

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Т.101.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРСУНОВА НАРГИЗА САМАРИТДИНОВНА

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАРДАН ОЛИНГАН КАТАЛИЗАТОР
ИШТИРОКИДА МЕТАННИ ОКСИКОНДЕНСАТЛАШ
ЖАРАЁНИНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНОЛОГИК АСОСЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

02.00.08 – Нефть ва газ кимёси ва технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛФАСА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Турсунова Наргиза Самаритдиновна

Маҳаллий хомашёлардан олнинган катализатор иштирокида метанни оксиконденсатлаш жараёнининг илмий-технологик асосларини ишлаб чиқиш..... 5

Турсунова Наргиза Самаритдиновна

Разработка научно-технологических основ процесса оксиконденсации метана с участием катализатора, полученного из местного сырья 21

Tursunova Nargiza Samaritdinovna

Development of scientific and technological foundations of the methane oxycondensation process with the participation of a catalyst obtained from local raw materials 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Т.101.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРСУНОВА НАРГИЗА САМАРИТДИНОВНА

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАРДАН ОЛИНГАН КАТАЛИЗАТОР
ИШТИРОКИДА МЕТАННИ ОКСИКОНДЕНСАТЛАШ
ЖАРАЁНИНИНГ ИЛМий-ТЕХНОЛОГИК АСОСЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

02.00.08 – Нефть ва газ кимёси ва технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛФАСА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда нефть микдори кундан-кунга камайиб бораётган бир вақтда табиий газ, нефть йўлдош газларини биринчи навбатда метанни оқилона ишлатиш глобал масаладир. Ҳозирги вақтда қазиб олинаётган табиий газнинг қарийб 5% и кимёвий қайта ишланмоқда, қолган қисми эса ёқилғи сифатида ишлатилмоқди. Метанни бир босқичда қайта ишлаш иқтисодий жиҳатдан самаралидир. Бундай усуллардан бири метанни каталитик қайта ишлаб, яъни каталитик оксиконденсатлаб бир босқичда этилен олишдир. Бу жараёни амалга ошириш учун юқори селективлик ва фаолликка эга бўлган янги авлод катализаторларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда бугунги кунда метандан этилен олиш жараёни бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда: метанни оксиконденсатлаш реакцияси учун юқори унумдорликка, селективликка, фаолликка ва барқарорликка эга бўлган катализаторлар яратиш; метандан этилен олиш жараёнининг кинетикаси ва механизмини батафсил бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада метанни каталитик оксиконденсатлаб этилен олиш, катализаторлар самарадорлигини ошириш ва этилен ишлаб чиқариш, табиий газдан этиленни максимал унум билан олиш мақсадида юқори унумдорликка эга бўлган катализаторлар танлаш ҳамда энергия ва ресурстежамкор технология яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда охириги йилларда саноатнинг турли соҳаларида бўлгани каби табиий газни қайта ишлашда ҳам хомашё базасини маҳаллийлаштириш ва улар асосида импортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатдан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, табиий газдан этилен ишлаб чиқариш жараёнининг технологик ҳамда ишчи параметрларини моделлаштириш ва мақбуллаштириш, яратилган экологик хавфсиз, энергия ва ресурстежамкор технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3246-сон “Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” Фармони

17 январдаги ПҚ-3479-сон “Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ва 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV.«Кимё, кимёвий технологиянинг назарий асослари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Метанни каталитик оксиконденсатлаб этан ва этиленлар олиш, катализаторларнинг самарадорлигини ошириш, этилен ишлаб чиқаришнинг истиқболлари, этилен ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш бўйича Миначев Х.М., Крылов О.В., Дедов А.Г., Меньшиков В.А., Синев М.Ю., Усачев Н.Я., Галанов С.И., Курина Л.Н., Сидиров О.И., Смирнов М.Ю., Махлин В.А., Жон Й.Л., Миначев Х.М., Дорогочинский А.З., Гюснет М., Олах Г.А., Бондаренко Т.Н., Капустин М.А., Локтев А.С., Туробжонов С.М. ва Файзуллаев Н.И.лар каби олимларнинг мактабларида мақсадли илмий изланишлар даврий равишда олиб борилган.

Шу билан бирга бугунги кунда метанни каталитик оксиконденсатлаш жараёни бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилганига қарамасдан юқори унумдорлик ва селективликка эга бўлган, барқарорлиги юқори, турғун, мустаҳкам, арзон ва фаол, коксланишни камайтирадиган катализатор яратилмаган. Шунингдек, реакция тезлигига таъсир этувчи омилларни комплекс ўрганиш, оралиқ маҳсулотлар ҳосил бўлиш механизмини ва кинетикасини батафсил ёритиш ҳамда саноатга жорий этиш, ишлаб чиқариш технологияларини яратиш йўналишида қатор илмий ишлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ОТ-А12-46 “Маҳаллий хомашёлар асосида метанни оксиконденсатлаш реакцияси учун катализаторлар яратиш, тадқиқ этиш ва жараённи мақбуллаштириш” (2017-2018 йй) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хомашёлардан олинган катализаторлар иштирокида метанни оксиконденсатлаш жараёнининг илмий-технологик асосларини ишлаб чиқиш ва катализатор тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

юқори фаоллиги, термик барқарорлиги, унумдорлиги, селективлиги ва коксланишни камайтириши билан характерланадиган таркибида марганец ва молибден сақловчи катализаторнинг мақбул таркибини аниқлаш;

физик-кимёвий (термик, рентгеноструктур, электрон-микроскопик, хроматографик анализ, сканирловчи электрон микроскопия ва ИҚ-спектроскопия) усулларда катализаторнинг тузилишини ва таркибини ўрганиш ҳамда катализаторлар тузилишининг унинг каталитик фаоллигига боғлиқлигини аниқлаш;

даврий режимда молибден ва марганец сақловчи катализаторда метанни каталитик оксиконденсатлаш реакциясининг кинетик қонуниятларини ўрганиш асосида реакциянинг кинетик моделларини танлаш ва бориш механизмларини таклиф этиш;

этилен синтезининг илмий асослари ишлаб чиқиш ҳамда ушбу жараёнларни ва катализаторни ишлаб чиқаришга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида табиий газ, ҳаво, этилен, ацетилен, этан, катализатор олинган.

Тадқиқотнинг предмети кимёвий ўзгаришлар, оксидлаш, жараёнлар кинетикаси, катализаторнинг физик-кимёвий кўрсаткичларини аниқлаш, метандан этилен синтез қилиш ва катализатор олиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда физик-кимёвий (газ хроматографияси, сканирловчи электрон микроскопия, ИҚ-спектроскопия, рентгенфазовий таҳлил) усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашёлар асосида юқори фаоллиги, термик барқарорлиги, унумдорлиги, селективлиги ва коксланишга бардошлилиги билан характерланадиган янги таркибли марганец ва молибден сақловчи катализатор олинган ва мақбул таркиби танланган;

илк бор $(\text{Mn}_2\text{O}_3)_x \cdot (\text{Na}_2\text{MoO}_4)_y \cdot (\text{ZrO}_2)_z$ таркибли катализаторнинг тузилиши ва таркиби физик-кимёвий усулларда текширилган ҳамда катализаторлар тузилиши билан унинг каталитик фаоллиги орасидаги боғлиқлиги аниқланган;

даврий режимда молибден ва марганец сақловчи $(\text{Mn}_2\text{O}_3)_x \cdot (\text{Na}_2\text{MoO}_4)_y \cdot (\text{ZrO}_2)_z$ таркибли катализаторда метанни каталитик оксиконденсатлаш реакциясининг кинетик қонуниятлари аниқланган;

танланган $(\text{Mn}_2\text{O}_3)_x \cdot (\text{Na}_2\text{MoO}_4)_y \cdot (\text{ZrO}_2)_z$ таркибли катализатор иштирокида жараёнларнинг кинетикасини тадқиқ этиш асосида реакциянинг кинетик моделлари танланган ва бориш механизмлари ишлаб чиқилган;

илк бор $(\text{Mn}_2\text{O}_3)_x \cdot (\text{Na}_2\text{MoO}_4)_y \cdot (\text{ZrO}_2)_z$ таркибли катализаторни саноатда олиш технологияси яратилган;

метандан этилен олиш жараёни мақбуллаштирилган ва иккинчи тартибли квадратик модел таклиф этилган ҳамда жараённинг илмий асослари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳсулот унуми бўйича реакция боришининг мақбул шароитлари танланган;

даврий режимда дифференциал реактор шароитида метандан этан ва этиленлар синтези унумини оширишга имкон берувчи шароитлар, юқори танлаб таъсир этувчи ва иш қобилияти юқори бўлган катализатор яратилган;

таркибида марганец ва молибден сақловчи катализатор олишнинг технологик регламентлари яратилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Яратилган катализаторни ва олинган маҳсулотларни таҳлил қилишда рентгенфазали, газ хроматографик тадқиқот усулларида ишлатилган асбоб-ускуналарнинг замонавийлиги, экспериментал тадқиқотларда стандартлаштирилган услубларнинг қўлланилиши, назарий ва экспериментал натижаларнинг бир хиллиги ишончли натижалар олишни таъминлайди. Олинган натижаларнинг ишончлилиги статистик усуллар ёрдамида баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти метанни каталитик оксиконденсатлаб этилен олиш жараёнининг кинетик қонуниятлари ўрганилганлиги, реакциянинг бориш механизмлари ҳамда кинетик тенглама таклиф этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти метанни каталитик оксиконденсатлаб этилен олиш жараёни учун маҳаллий хомашёлар асосида катализаторлар ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилганлиги натижасида органик синтез учун муҳим бўлган хомашё – этилен олиш имкониятини оширишга, табиий газдан унумли фойдаланишга ва табиий хомашё сарфларини тежашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. маҳаллий хомашёлардан олинган катализатор иштирокида метанни оксиконденсатлаш жараёнининг илмий-технологик асослари ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

метанни каталитик оксиконденсатлаб этилен синтези учун танланган $(\text{Mn}_2\text{O}_3)_x \cdot (\text{Na}_2\text{MoO}_4)_y \cdot (\text{ZrO}_2)_z$ таркибли катализатор «Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖда амалиётга жорий этилган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖнинг 2020 йил 30 августдаги №929/GK-08-сон маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган $(\text{Mn}_2\text{O}_3)_x \cdot (\text{Na}_2\text{MoO}_4)_y \cdot (\text{ZrO}_2)_z$ таркибли катализатор импорт ўрнини босувчи катализатор сифатида қўллаш имконини берган;

метанни каталитик оксиконденсатлаб этилен синтези учун танланган $(\text{Mn}_2\text{O}_3)_x \cdot (\text{Na}_2\text{MoO}_4)_y \cdot (\text{ZrO}_2)_z$ таркибли катализатор «НАВОИЙАЗОТ» АЖда ишлаб чиқаришга жорий этилган («НАВОИЙАЗОТ» АЖнинг 2020 йил 21 августдаги №15858-сонли маълумотномаси). Натижада $(\text{Mn}_2\text{O}_3)_x \cdot (\text{Na}_2\text{MoO}_4)_y \cdot (\text{ZrO}_2)_z$ таркибли катализатор ишлаб чиқишнинг технологик схемасини ва унинг асосида пилот қурилмасини яратиш ҳамда иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 12 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 7 та мақола – 4 таси хорижий ва 3 таси республика илмий журналларида (шундан 1 таси SCOPUS базасига кирувчи журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 100 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Метанни оксиконденсатлаш жараёнининг кинетики ва кинетики**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий-таҳлилий хулосалар чиқарилган ҳамда илмий адабиётлардаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.

Диссертациянинг «**Метанни оксиконденсатлаш жараёни учун катализатор олиш ва унинг текстур характеристикаларини ўрганиш**» деб номланган иккинчи бобида табиий газ таркиби таҳлили, метанни оксиконденсатлаш жараёни учун катализатор тайёрлаш услуби ва технологияси, катализаторларнинг текстур характеристикаларини аниқлаш, катализаторнинг тузулиши ўрганилган. Реакция маҳсулотлари унуми ва таркиби газ-суюқлик хроматографияси усулида аниқланган.

Диссертациянинг «**Метанни каталитик оксиконденсатлаш жараёни механизми, термодинамикаси ва реакция тезлигига таъсир этувчи омиллар**» деб номланган учинчи бобида метанни каталитик оксиконденсатлаш реакциясини ўтказиш қурилмаси, жараёнларнинг кинетик қонуниятлари ўрганилган ва кинетик моделлар ишлаб чиқилган.

Метаннинг каталитик оксиконденсатланиш реакцияси кинетик тенгламаси биринчи тартибли реакция тенгламаси каби бўлади:

$$W = k_{\text{эф}} \cdot C_{\text{CH}_4} \quad (1)$$

$k_{\text{эф}}$ -реакциянинг эффектив константаси бўлиб, элементар реакцияларнинг юзага келишининг ҳақиқий тезлик константалари комбинацияларини, элементар реакцияларнинг ривожланишини ва тўхташини ифодалайди. C_{CH_4} -метаннинг концентрацияси.

Маълумки, оқимли усулни қўллашда идеал сиқиб чиқариш режимидаги тахминлар умумлаштирилади ва система квазистационар ҳолатда деб ҳисобланади. Бу ҳолда реакция зонасида идеал сиқиб чиқарувчи режим маҳсулотлари учун қуйидаги тенглама ўринли бўлади:

$$k_{\text{эф}} = \frac{1}{\tau} \ln \frac{1}{1-\alpha}, \quad c^{-1} \quad (2)$$

бунда, α -метаннинг конверсия даражаси; τ -контакт вақти (реактор орқали ўтувчи оқим ҳажмий тезлигининг реактор ҳажмига нисбати).

Фаолланиш энергияси энг кичик квадратлар методи ёрдамида олинган экспериментал маълумотлар асосида қуйидаги тенглама ёрдамида ҳисобланди:

$$\ln k_{\text{эф}} = \ln A - \frac{E_{\alpha}^{\text{эф}}}{RT} \quad (3)$$

Метанни оксиконденсатлаш реакциясида ҳосил бўлган кокс сканирловчи зондли микроскоп (СЗМ Solver PRO) да электрон микроскопик таҳлил ёрдамида ўрганилди. Бу усулда олинган натижаларни ИҚ спектроскопия натижалари ҳам тасдиқлади:

Метанни оксиконденсатлаш реакциясининг кинетик ва фаолланиш параметрлари $\ln \frac{1}{1-\alpha}$ ва контакт вақти τ орасидаги боғлиқлик графигини тузиш орқали аниқланди.

1-жадвал


Метанни оксиконденсатлаш реакциясининг ўзига хос моделлари ва тажриба маълумотлари асосида ҳисобланган Аррениус параметрлари

№	Реакция тенгламаси	Кинетик тенглама	E_a , кЖ/моль
1	$4 \text{CH}_4 + \text{O}_2 \rightarrow 2\text{C}_2\text{H}_6 + 2\text{H}_2\text{O}$	$w_1 = k_1 \cdot P_{\text{CH}_4}^2 \cdot P_{\text{O}_2}$	49,86
2	$2\text{C}_2\text{H}_6 + \text{O}_2 \rightarrow 2\text{C}_2\text{H}_4 + 2\text{H}_2\text{O}$	$w_2 = k_2 \cdot P_{\text{C}_2\text{H}_6} \cdot P_{\text{O}_2}$	41,42
3	$2 \text{CH}_4 + \text{O}_2 \rightarrow \text{C}_2\text{H}_4 + 2\text{H}_2\text{O}$	$w_3 = k_3 \cdot P_{\text{CH}_4} \cdot P_{\text{O}_2}$	51,35
4	$\text{C}_2\text{H}_6 \rightarrow \text{C}_2\text{H}_4 + \text{H}_2$	$w_4 = k_4 \cdot P_{\text{C}_2\text{H}_6}$	41,46
5	$\text{C}_2\text{H}_6 + 2\text{C}_2\text{H}_4 + 0,5\text{O}_2 \rightarrow 2\text{C}_3\text{H}_6 + \text{H}_2\text{O}$	$w_5 = k_5 \cdot P_{\text{CH}_4}^{1,36} \cdot P_{\text{O}_2}^{0,723}$	84,85
6	$\text{CH}_4 + 2\text{O}_2 \rightarrow \text{CO}_2 + 2\text{H}_2\text{O}$	$w_6 = k_6 \cdot P_{\text{CH}_4} \cdot P_{\text{O}_2}$	84,85
7	$\text{C}_2\text{H}_4 + 2\text{O}_2 \rightarrow 2\text{CO} + 2\text{H}_2\text{O}$	$w_7 = k_7 \cdot P_{\text{C}_2\text{H}_4} \cdot P_{\text{O}_2}$	71,45
8	$\text{CH}_4 + \text{O}_2 \rightarrow \text{CO} + \text{H}_2\text{O} + \text{H}_2$	$w_8 = k_8 \cdot P_{\text{CH}_4} \cdot P_{\text{O}_2}$	92,11
9	$\text{C}_2\text{H}_4 + 2\text{H}_2\text{O} \rightarrow 2\text{CO} + 4\text{H}_2$	$w_9 = k_9 \cdot P_{\text{C}_2\text{H}_4} \cdot P_{\text{H}_2\text{O}}$	74,60
10	$\text{CO}_2 + \text{H}_2 \rightarrow \text{CO} + \text{H}_2\text{O}$	$w_{10} = k_{10} \cdot P_{\text{CO}_2} \cdot P_{\text{H}_2}$	26,47
11	$\text{C}_2\text{H}_4 + 3\text{O}_2 \rightarrow 2\text{CO}_2 + 2\text{H}_2\text{O}$	$w_{11} = k_{11} \cdot P_{\text{C}_2\text{H}_4} \cdot P_{\text{O}_2}$	57,59
12	$2\text{CO} + \text{O}_2 \rightarrow 2\text{CO}_2$	$w_{12} = k_{12} \cdot P_{\text{CO}} \cdot P_{\text{O}_2}$	27,23
13	$\text{C}_2\text{H}_6 + 2\text{H}_2\text{O} \rightarrow 2\text{CO} + 5\text{H}_2$	$w_{13} = k_{13} \cdot P_{\text{C}_2\text{H}_6} \cdot P_{\text{H}_2\text{O}}$	74,60

Фаолланиш энергиясини аниқлаш энг кичик квадратлар усулида ҳароратлар оралиғида амалга оширилди. Олинган кинетик параметрлар қийматларидан фойдаланиб, метаннинг конверсияси ва C₂-углеводородлар бўйича селективлик ҳисобланди.


Метанни каталитик оксиконденсатлаш реакциясининг гетероген-гомоген механизми шуни кўрсатдики, метан молекуласи катализатор дефектидаги атомар кислород билан таъсирлашиб, метил радикали CH₃• ни ҳосил қилади. Метил радикаллари CH₃• газ фазада рекомбинацияланиб C₂H₆ ни ҳосил қилади. Ҳосил бўлган C₂H₆ кристалл панжара дефектидаги кислород атомлари иштирокида этиленни ҳосил қилади. Галогенидлар билан модификацияланган оксидларнинг фаол маркази табиати ўзгаради.

Адабиётлардан маълумки, метанни фаоллашда секин боровчи босқич C-H боғнинг узилишидир. CH₄ + OZ → CH₃• + OHZ реакция бўйича метан молекуласини фаоллаштиришда энергетик барьер ≈ 230 кЖ/моль га тенг. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, метан молекуласини OH• радикаллар билан фаоллаштириш энергияси ≈ 23 кЖ/молга тенг. Қуйида метан молекуласини гидроксил ва водород радикаллари билан фаоллашда Гиббс энергиясининг ўзгариши келтирилган:




Метан молекуласини водород радикали билан фаоллаштириш энергиясининг ҳисобланган қиймати E_a = 40 кЖ/молга тенг.

Метан молекуласини OH• ва H• радикаллари билан фаоллаштириш реакцияларининг мақбуллаштирилган оралиқ ҳолат тузилиши (1-расм):




1-расм. Метан молекуласини OH• ва H• радикаллари билан фаоллаштириш реакцияларининг мақбуллаштирилган оралиқ ҳолат тузилиши

Метаннинг (Mn₂O₃)_x·(Na₂MoO₄)_y·(ZrO₂)_z таркибли мақбул катализатор иштирокида оксиконденсатланишида фаолланишини қуйидаги схема билан ифодалаш мумкин:




2-расм. Метаннинг (Mn₂O₃)_x·(Na₂MoO₄)_y·(ZrO₂)_z катализаторида фаолланиши


Молибденда метаннинг селектив активланиши




Оксидланиш қайтарилиш механизми



Метаннинг носелектив активланиши



Марганец оксидида метаннинг селектив активланиши




Дастлабки моддалар аралашмасини бир хил юбориб турган ҳолда солиштирма ҳажмий тезлик қийматини ўзгартиришга эришиш учун киритилган катализатор миқдори ўзгартириб турилди. Катализатор кўпроқ киритилганда солиштирма ҳажмий тезлик камаяди ва катализатор камроқ киритилганда солиштирма ҳажмий тезлик ортади. Реакцияда иштирок этаётган кислороднинг реакция механизмидаги ўрнини аниқлаш учун тажрибалар ўтказилди.

Метанни оксиконденсатлаб этилен олиш реакцияси термодинамик нуқтаи-назардан таҳлил қилинган ҳамда жараённинг кинетикаси ва механизми ёритилган. Метанни оксиконденсатлаш жараёнида содир бўладиган реакцияларнинг иссиқлик ва Гиббс энергиялари қиймати асосида ҳисоблаб топилган термодинамик кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Реакцияларнинг иссиқлик ва Гиббс энергияларининг ҳисобланган қийматлари

№	Реакциялар	ΔH_{298}^0 ; кЖ/моль	ΔG^0 , кЖ/моль
1	$4CH_4 + O_2 \rightarrow 2C_2H_6 + 2H_2O$	-176,6	-197,296
2	$2C_2H_6 + O_2 \rightarrow 2C_2H_4 + 2H_2O$	-104,7	-363,242
3	$2CH_4 + O_2 \rightarrow C_2H_4 + 2H_2O$	-281,314	-280,06
4	$C_2H_4 + 2O_2 \rightarrow 2CO + 2H_2O$	-756,162	-937,574
5	$CH_4 + 2O_2 \rightarrow CO_2 + 2H_2O$	-801,724	-1006,544
6	$C_2H_4 + 3O_2 \rightarrow 2CO_2 + 2H_2O$	-1321,716	-1286,186
7	$CH_4 + 1,5O_2 \rightarrow CO + 2H_2O$	-518,738	-609,026



Компонент	CH ₄	O ₂	C ₂ H ₄	H ₂ O	H ₂	C ₂ H ₆
ΔH_0^0 , кЖ/моль	-66,89	0	60,78	-238,91		

$$\frac{-G_T^0 - H_0^0}{T}; \text{ ж/моль} \cdot \text{К}$$

Ҳарорат	CH ₄	O ₂	C ₂ H ₄	H ₂ O	H ₂	C ₂ H ₆
900К	194,55	208,75	233,45	192,9	133,8	247,89
1000К	199,31	212,08	239,77	196,74	136,96	255,66
1100К	203,31	214,69	245,17	199,76	139,35	262,65

Ҳарорат ва ҳажмий тезликнинг турли қийматларида газ оқими чизиқли тезлигини доимий сақлаган ҳолда метан парциал босимининг оксиконденсатланиш жараёнига таъсирини ўрганишда олинган натижалар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

С₂-углеводородлар унумига ва метаннинг конверсиясига СН₄ : О₂ лар моль нисбатларининг таъсири

T ^I , °C	n _{СН₄} ⁰ , моль/с	n _{О₂} ⁰ , моль/с	Метаннинг конверсияси, %	Унум, %				
				С ₂ Н ₂	С ₂ Н ₄	СО	СО ₂	С ₂ Н ₆
800	0,27	0,09	73,0	12,8	14,8	3,1	24,7	0,03
700	0,27	0,09	70,0	10,2	11,9	3,4	18,5	0,07
750	0,27	0,09	70,9	11,4	9,7	3,1	22,7	0,16
800	0,30	0,12	56,2	11,1	31,7	2,2	12,2	0,08
700	0,30	0,12	48,1	10,8	17,9	2,7	8,72	0,05
750	0,30	0,12	54,4	10,1	27,8	3,9	10,6	0,07
800	0,40	0,20	48,3	11,4	11,3	2,8	17,8	0,07
700	0,40	0,20	43,2	10,1	15,2	3,2	12,8	0,02
750	0,40	0,20	45,0	8,42	15,0	3,0	16,4	0,07
800	0,35	0,23	46,8	10,1	8,7	4,1	13,9	0,03
700	0,35	0,23	42,7	15,9	17,5	2,5	6,84	0,09
750	0,35	0,23	44,1	13,7	16,0	2,6	12,7	0,13

Жадвалдан кўришиб турибдики, реактордан чиқишда контакт газ таркибида С₂Н₂, С₂Н₄, С₂Н₆, СО ва СО₂ лар бўлади.

Метанни каталитик оксиконденсатлаш реакцияси тезлигига ва мақсадли маҳсулот унумига карбонат ангидрид ва инерт газлар билан реакция аралашмани султиришнинг таъсири ўрганилди. Олинган натижалар 4-5жадвалларда келтирилган.

4-жадвалдан кўришиб турибдики, карбонат ангидрид қўшилмаганда метаннинг конверсияси 52,6 % ва этиленнинг селективлиги 62,4 % ни ташкил этади. СН₄:О₂:СО₂ лар нисбати 3:1:0 дан 3:1:2 моль нисбатгача карбонат ангидрид киритилганда метаннинг конверсияси 52,6 % дан 63,1 % гача этиленга нисбатан селективлик 62,4 % дан 66.2 % гача, этанга нисбатан селективлик 19 % дан 20.7 % гача, этан ва этилен углеводородларига нисбатан селективлик эса 81,4 % дан 86,9 % гача ортади.

4-жадвал

Метанни каталитик оксиконденсатлаш реакцияси тезлигига ва мақсадли маҳсулот унумига карбонат ангидриднинг таъсири

СН ₄ :О ₂ :СО ₂	Конверсия (%)		Селективлик (%)				
	СН ₄	СО ₂	Н ₂	СО ₂	СО	С ₂ Н ₄	С ₂ Н ₆
3:1:0	52,6	-	6,2	13,4	16,8	62,4	19,0
3:1:1	57,2	-33,2	1,9	7,6	20,6	64,0	19,8
3:1:2	63,1	-14,0	2,6	4,1	21,0	66,2	20,7
3:1:2.5	57,1	-9,6	2,7	10,0	26,5	55,9	17,6
3:1:2.8	44,7	-1,6	3,3	3,1	70,4	45,0	11,5
3:1:3	42,7	2,0	3,1	-	92,6	32,2	5,2

Карбонат ангидриднинг миқдорини янада ошириш юқоридаги катталикларнинг камайишига олиб келади. Бироқ ис газига нисбатан селективлик ортади.

Метанни каталитик оксиконденсатлаш реакцияси тезлигига ва мақсадли маҳсулот унумига инерт газлар билан реакция аралашмани суюлтиришнинг таъсири. Тажриба шароитини ўзгартирмаган ҳолда карбонат ангидрид ўрнига аргон газини юбориб кўрганимизда реакция аралашмада аргоннинг миқдори ортиши билан метаннинг конверсияси ва C_2 -углеводородларга нисбатан селективлик камаяди.

5-жадвал

Метанни каталитик оксиконденсатлаш реакцияси тезлигига ва мақсадли маҳсулот унумига инерт газлар билан суюлтиришнинг таъсири

$CH_4:O_2:Ar$	CH_4	Селективлик (%)				
		CO_2	H_2	CO	C_2H_4	C_2H_6
3:1:0	52,6	13,4	6,2	16,8	52,4	19,0
3:1:1	56,5	16,1	5,6	17,2	50,5	17,5
3:1:2	55,5	17,1	7,1	19,5	48,1	17,3
3:1:3	29,7	18,7	9,4	22,3	45,8	15,5
3:1:4	12,5	28,2	18,6	26,4	33,9	7,7


Танланган $(Mn_2O_3)_x \cdot (Na_2MoO_4)_y \cdot (ZrO_2)_z$ таркибли катализатор иштирокида метанни оксиконденсатлаш реакциясида кислород конверсиясининг реагентлар контакт вақтига ва ҳароратга боғлиқлиги ўрганилди. Кислороднинг чуқур конверсиясига $750^\circ C$ да 0,6 сек да ва $800^\circ C$ да 0,3 сек да эришилади.

Кислород конверсиясига контакт вақтининг ва реагентлар нисбатининг таъсири $750-800^\circ C$ оралиғида, метан:ҳаво = 6:1 нисбат ва босим 0,1 МПа бўлганда ўрганилди.


Кислород конверсиясига контакт вақтининг турли ҳароратларда ва реагентларнинг турли нисбатларида CH_4 :ҳаво (1:3 ва 1:6) ўрганиш натижаларини таққосласак, CH_4 :ҳаво нисбатининг ортиши билан кислороднинг тўлиқ конверсияланишига эришиш вақтининг камайишини кўриш мумкин. $800^\circ C$ да кислороднинг тўлиқ конверсияланиш вақти реагентлар нисбати 2:1 бўлганда 0,25 сек ни ташкил этса, худди шу ҳароратда нисбат 6:1 бўлганда 0,18 секни ташкил этади. Жараён селективлигига босим ва реагентлар нисбатининг таъсири ўрганилганда босим ортиши билан этан-этилен аралашмасининг ҳосил бўлиш селективлиги камаяди.

Реагентларнинг ҳажмий нисбатлари ортиши билан жараённинг селективлиги бир оз ортади: реагентлар 2:1 нисбатда бўлганда минимал селективлик 56,4%, реагентлар нисбати 6:1 бўлганда 76,2% га эришилади.

Кинетик тадқиқотлар натижасида контакт вақтининг ортиши ва ҳароратнинг кўтарилиши билан жараён кўрсаткичларининг яхшиланиши кузатилди.



3-расм. CH_4 :ҳаво=2:1 ва 0,1 МРа да кислород конверсиясининг реагентлар контакт вақтига ва ҳароратга боғлиқлиги



4-расм. CH_4 :ҳаво=6:1 ва 0,1 МРа да кислород конверсиясининг реагентлар контакт вақтига ва ҳароратга боғлиқлиги

Метанни оксиконденсатлаш жараёни ўтишининг кинетик схемасини аниқлаш учун катализатор қатламидан сўнг эркин ҳажми бўлган реакторда тажрибалар ўтказдик. Тажрибаларни ўтказиш шароитлари ва тадқиқот натижалари қуйидаги 6 – жадвалда берилган.

6-жадвал

Катализатор қатламидан сўнг эркин ҳажми бўлган реакторда ўтказилган тажриба натижалари

T, °C	$n_{\text{CH}_4}^0$, моль/с	$n_{\text{O}_2}^0$, моль/с	Унум, %			
			$V_{\text{эрк,ҳажм}} = 45 \text{ см}^3; V_{\text{cat}} = 0,5 \text{ см}^3$		$V_{\text{эрк,ҳажм}} = 25 \text{ см}^3; V_{\text{cat}} = 0,5 \text{ см}^3$	
			C_2H_6	C_2H_4	C_2H_6	C_2H_4
800	0,312	0,267	15,4	17,1	26,2	5,3
800	0,402	0,267	12,49	14,9	22,69	4,7
800	0,402	0,267	12,49	14,9	22,69	4,7
800	0,402	0,244	12,26	14,1	22,16	4,2
800	0,402	0,267	12,49	14,9	22,69	4,7
800	0,267	0,178	12,49	14,9	22,69	4,7
800	0,535	0,443	14,69	16,8	26,59	4,9
800	0,535	0,343	12,78	14,6	22,88	4,5
800	0,535	0,343	12,78	14,6	22,88	4,5
800	0,535	0,312	11,67	13,8	21,77	3,7

Жадвалдан кўришиб турибдики, катализаторнинг бир хил ўзгармас ҳажмида катализатор қатламидан сўнг реактор эркин ҳажмининг камайиши билан этилен унуми камайди, этаннинг унуми эса ортади. Бу реакторнинг кичик ҳажмида этаннинг этиленга пиролизи жараёнида контакт вақтининг камайиши билан тушунтирилади.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, метаннинг этанга димерланиши катализатор сиртида содир бўлади. Бунда адсорбиланган кислород молекуласи метан билан таъсирлашиб, кислород-углеводородли комплекс бирикма ($ZOCH_3$) ҳосил қилади. Ҳосил бўлган ушбу комплекс метан молекуласи билан таъсирлашиб, этанни ҳосил қилади. Реакторнинг эркин ҳажмида этан катализатор ва кислород иштирокида пиролизланиб этиленни ҳосил қилади.

Эксперимент шароитини танлаш учун метанни оксидланишли димерлаш реакцияси турли хил диаметрли бўш (катализаторсиз) кварц реакторда ва катализатор иштирокида газлар аралашмасининг турли хил йўналишлардаги оқимида тажрибалар ўтказилди. Олинган натижалар куйидаги жадвалларда келтирилган.

7-жадвал

Метанни оксиконденсатлаш реакциясида маҳсулотлар таркибига бўш реактор ҳажмининг таъсири

		$V = 38,3 \text{ см}^3$ $D = 11 \text{ мм}$	$V = 122,8 \text{ см}^3$ $D = 22 \text{ мм}$
Метаннинг конверсияси		56,8	38,4
Кислороднинг конверсияси		96,2	99,4
Селективлик, $S\%$	C_2H_2	6,4	19,3
	C_2H_4	20,2	25,2
	C_2H_6	5,0	5,8
	CO	46,4	18,4

Келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, метанни оксиконденсатлаш реакциясида дастлабки моддалар конверсияси ва маҳсулотлар бўйича селективлик реакторнинг диаметрига ва газлар аралашмаси оқимини юбориш йўналишига кучли даражада боғлиқ.

8-жадвал

Метанни оксиконденсатлаш реакциясида катализатор фаоллигига реакция газлар оқими йўналишининг таъсири

		Пастдан юбориш	Юқоридан юбориш
Метаннинг конверсияси		58,6	61,3
Кислороднинг конверсияси		97,2	96,8
Селективлик, $S\%$	C_2H_2	6,4	4,7
	C_2H_4	21,2	16,5
	C_2H_6	3,8	2,8
	CO	20,9	40,1
$\Delta m \text{ kat, мг}$		+1,3	20,4


Диссертациянинг «Метанни оксиконденсатлаш жараёнини мақбуллаштириш ва катализатор ишлаб чиқариш технологияси» деб номланган тўртинчи бобида метанни каталитик оксиконденсатлаш жараёни мақбуллаштирилган ва катализатор ишлаб чиқаришнинг чиқиндисиз технологияси яратилган.

Метанни каталитик оксиконденсатлаш жараёнини мақбуллаштирилган натижасида қуйидаги иккинчи тартибли квадратик модел таклиф этилган:

$$Y = -350,94 + 20,179X_1 + 0,712X_2 + 19,61X_3 - 0,018X_1 \cdot X_2 + 2,11X_1 \cdot X_3 - (6,13 \cdot 10^{-3})X_2 \cdot X_3 - 3,419X_1^2 - (4,16 \cdot 10^{-4})X_2^2 - 3,891X_3^2$$

Технологик жараён ва схема тавсифи. Марганец-молибден-натрий-цирконий/SiO₂ катализатор ишлаб чиқариш қуйидаги асосий босқичлардан иборат: кислотали ишлов бериш ва керамзитни фаоллаштириш линияси; аралаштириш ва шакллантириш линияси; катализаторни термик ишлов бериш. Кислотали ишлов бериш ва фаоллаштириш механик аралаштиргич билан жиҳозланган реакторда ўтказилади. Кремнеземнинг ҳисобланган миқдори реакторга (1) йўналтирилади ва худди ўша жойга маълум миқдорда 10 %ли сульфат кислота юборилади. Компонентлар 1 соат давомида аралаштирилади, ювилади, масса 95°С да 3 соат давомида қуритилади (2).

Бу вақтда тегирмонда (8) кўмир, рух оксиди ва темир майдаланади. Компонентлар аралашмаси аралаштиргичга йўналтирилади (11) ва жадал аралаштириш ҳолатида ³/₄ қисм пептизаторнинг сувли эритмаси қўшилади (пептизатор сифатида экстракцион фосфат кислота сувли эритмасидан фойдаланамиз). Аралаштириш бир жинсли масса олинишигача давом эттирилади.



5-расм. Марганец-молибден-натрий-цирконий/кремнеземли катализатор ишлаб чиқариш технологик схемаси:

1 – аралаштиргич-активатор; 2 – кремнезем учун бункер; 3 – 10 %-ли сульфат кислота учун сиғим; 4 – қуритиш шкафи; 5, 6, 7 – марганец, цирконий ва натрий молибдат учун сиғимлар; 8 – шарчали тегирмон; 9, 10 –дистилланган сув учун сиғим; 11– куракли аралаштиргич; 12 – шакл бериш машинаси; 13–транспортерли қуритгич; 14–шахтали қуйдириш печи; 15 – виброғалвир

Олдиндан тайёрланган тутиб турувчи–фаолланган керамзит куритишдан сўнг тегирмонда (8) майдаланади ва аралаштиргичга (11) қолдик компонентлар билан аралаштириш учун юборилади ва ¼ миқдор пептизатор қўшилади. Аралаштириш 30–40 дақиқа мобайнида давом эттирилади, шундан сўнг масса шакл беришга (12) йўналтирилади. Бунинг учун шнекли шакл бериш машинаси танланган, у 6-8 мм ли диаметри ва 8-10 мм узунликдаги гранулалар олишга имкон беради. Грануляторлар чиқадиган гранулалар 20–25 % намлик сақлайди. контакт массани куритиш куритгичда (13) $100\pm 5^\circ\text{C}$ да 5 соат давомида ўтказилди.

Катализаторга термик ишлов бериш барабанли типдаги печда (14) ўтказилади, бунда ёқиладиган газлар ва хомашё грануллар печь орқали қарши оқимда ўтиши керак. Куйдириш бошланғич ҳарорати 200°C , ҳароратни ҳар 30 дақ да 50°C га $450-500^\circ\text{C}$ гача кўтарилади. Катализаторни куйдиришдан сўнг виброғалвирда (14) элакдан ўтказилади ва тайёр маҳсулот омборига юборилади.

5-расмда келтирилган технологик схемада ажратиб олинадиган $(\text{Mn}_2\text{O}_3)_x \cdot (\text{Na}_2\text{MoO}_4)_y \cdot (\text{ZrO}_2)_z$ таркибли катализаторнинг 1 йиллик ишлаб чиқариш материал баланси 9-жадвалда келтирилган.

9-жадвал

Марганец-молибден-натрий-цирконий/ SiO_2 катализатор ишлаб чиқариш сарфи

№	Сарф кўриниши	Катализатор сарфи, тонна
1	Марганец оксиди	15,0
2	Натрий молибдат	10,0
3	Цирконий оксиди	0,5
4	SiO_2	74,95
5	Кўмир	0,10

Ишлаб чиқариш химизми ва физик-кимёвий асослари. Катализатор синтезида ўтадиган кимёвий ва физикавий босқичлар формал-кинетик таҳлили маълум тенгламалар бўйича дериватографик усул орқали ноизотермик режимда ўтказилди:

$$1 - (1 - \alpha)^{\frac{1}{n}} = k\tau \quad (4) \quad \lg[-\ln(1 - \alpha)] = n \lg kt \quad (5)$$

$$[-\lg(1 - \alpha)]^{\frac{1}{n}} = k\tau \quad (6)$$

Рагинский-Тодес-Машнел тенгламаси (4), «сиқилувчи сфера» тенгламаси деб аталадиган, агар лимитловчи босқич бўлиб, муртақлар ўсиш босқичи ҳисоблангандаги ҳолатда мос келади. Ерофеев-Аврами тенгламаси (5) реакция кўп босқичли босқичли марказлари пайдо бўлиши учун хос; жараёнларнинг автокаталитик ўтиши учун Продт-Томпкинс тенгламаси. Ҳароратнинг чизикли ўзгаришини тавсифлайдиган Аррениус тенгламаси (7)

ва тенглама билан (8) биргалик қўшма дифференциал шаклдаги тенгламаларни (4)-(6) ечишда (8), (9) ва (10) тенгламаларни оламиз.

$$k = k_0 e^{-\frac{E}{RT}} \quad (7)$$

$$\frac{dT}{dr} = g - const \quad (8)$$

$$\ln \left[\frac{1}{(1-\alpha)^{2/3}} \cdot \frac{d\alpha}{dT} \right] = \ln \frac{k}{g} - \frac{E}{RT} \quad (9)$$

$$\ln \left[\frac{1}{\alpha^{n/1-2}} \cdot \frac{d\alpha}{dT} \right] = \ln \frac{k_0}{g} - \frac{E}{RT} \quad (10)$$

$$\ln \left[\frac{1}{\alpha(1-\alpha)} \cdot \frac{d\alpha}{dT} \right] = \ln \frac{k_0}{g} - \frac{E}{RT} \quad (11)$$

Бу ерда α – дериватограмма ТГ эрги чизиғи бўйича ҳисобланган парчаланиш даражаси, A – муртақлар ҳосил бўлиш реакция тезлиги механизмига ва геометриясига боғлиқ бўлган параметр; E , R – фаолланиш энергияси ва газ доимийси.

Тенгламалар бўйича (9)-(11) деривотографик маълумотларни ишлов бериш кўрсатадики, марганец-молибден-натрий-циркониий/SiO₂ ли катализаторнинг иссиқлик таъсирида парчаланиши тенгламага (9) бўйсунди.

Рентгенографик тадқиқотлар орқали марганец-молибден-натрий-циркониий/ SiO₂ ли катализаторлар етарлича юқори фаолликни намоён қилиш аниқланди.

ХУЛОСА

1. Метанни каталитик оксиконденсатлаш жараёни учун таркибида молибден ва марганец сақловчи (Mn₂O₃)_x·(Na₂MoO₄)_y·(ZrO₂)_z таркибли юқори унумдорлик ва селективликка эга бўлган катализатор танланди (бунда метаннинг умумий конверсияси 52,6%, C₂-углеводородларга нисбатан селективлик 81,4% ва C₂-углеводородларга нисбатан реакция унуми 42,8 % ни ташкил этди).

2. Физик-кимёвий усулларда (Mn₂O₃)_x·(Na₂MoO₄)_y·(ZrO₂)_z таркибли катализаторнинг тузилиши ва таркиби ўрганилди ҳамда катализаторлар тузилиши билан унинг каталитик фаоллиги орасидаги боғлиқлик текширилди.

3. Илк бор дифференциал реактор шароитида даврий режимда молибден ва марганец сақловчи катализаторда метанни каталитик оксиконденсатлаш реакциясининг кинетик қонуниятлари (ўзгариш схемаси, дастлабки моддаларнинг ўзгариш тезлиги, реакциянинг кинетик модели, конверсия тезлигига ва жараённинг мақбул режимини танлашга турли омилларнинг таъсири) ўрганилди.

4. Танланган катализатор иштирокида жараёнларнинг кинетикасини ўрганиш асосида реакциянинг кинетик моделлари танланди ва реакциянинг ўтишининг гетероген-гомоген механизмлари таклиф этилди;

5. Этилен синтезининг илмий асослари ишлаб чиқилган ҳамда ушбу жараёнлар ва катализаторлар “НАВОИЙАЗОТ” АЖ да ва «Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖ да ишлаб чиқаришга жорий этилган. Иқтисодий самарадорлик 1 йилда 101900716 сўмни ташкил қилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ РbD.03/30.12.2019.Т.101.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ БУХАРСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ТУРСУНОВА НАРГИЗА САМАРИТДИНОВНА

**РАЗРАБОТКА НАУЧНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ ОСНОВ ПРОЦЕССА
ОКСИКОНДЕНСАЦИИ МЕТАНА С УЧАСТИЕМ КАТАЛИЗАТОРА,
ПОЛУЧЕННОГО ИЗ МЕСТНОГО СЫРЬЯ**

02.00.08 – Химия и технология нефти и газа

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ (РbD)**

Бухара – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.3.PhD/T1911

Диссертационная работа выполнена в Самаркандском государственном университете. Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице института (www.bmti.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Файзуллаев Нормурот Ибодуллаевич**
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты: **Икрамов Абдувахоб**
доктор технических наук, профессор

Атауллаев Шерзод Набиуллаевич
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: **Каршинский инженерно-экономический институт**

Защита диссертации состоится «23» сентября 2021 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.101.01 при Бухарском инженерно-технологическом институте (Адрес: 200117, г. Бухара, ул. К.Муртазоева, дом-15. Тел.: (+99865) 223-78-84; факс: (+99865) 223-78-84; e-mail: bmti_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского инженерно-технологического института (зарегистрировано под № 12). (Адрес: 200117, Бухара, ул. К. Муртазоева, дом-15. Тел.: (+99865) 223-78-84).

Автореферат диссертации разослан: «9» сентября 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 12 «23» июля 2021 года)



Н.Р. Баракаев
Председатель научного совета
по присуждению ученой степени,
д.т.н., профессор

Р.Р. Хайитов
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученой степени,
д.т.н., старший научный сотрудник

Ш.М. Ходжиев
Преседатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученой степени, к.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире настоящее время рациональное использование природного газа, попутных нефтяных газов и других, в первую очередь метана, является глобальной задачей. На сегодняшний день около 5% добываемого природного газа подвергается химической переработке, остальное используется как топливо. Одностадийная обработка метана экономически эффективна. Одним из таких методов является каталитическая переработка метана, то есть получение этилена за одну стадию каталитической оксиконденсации. Поэтому для получения этилена из природного газа с максимальной эффективностью необходимо выбрать высокоэффективные катализаторы и создать энерго- и ресурсосберегающие технологии.

В мире ряд процессов производства этилена из метана, в том числе по следующим приоритетным направлениям: создание катализаторов с высокой эффективностью, селективностью, активностью и стабильностью для окисления метана; детальные исследования кинетики и механизма процесса получения этилена из метана продолжаются. В связи с этим особое внимание уделяется выбору катализаторов с высокой производительностью с целью получения этилена с каталитической оксигенацией метана, повышения эффективности катализаторов и производства этилена, получения этилена из природного газа с максимальным выходом, а также созданию энергосберегающих и ресурсосберегающих технологий.

В Республике в последние годы, как и в различных отраслях, уделяется большое внимание локализации сырьевой базы при переработке природного газа и производстве на их основе импортно-ориентированной продукции, и достигаются определенные результаты. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан включает такие важные задачи, как «дальнейшая модернизация и диверсификация промышленности за счет перехода на качественно новый уровень высокотехнологичных перерабатывающих производств, особенно разработки готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местного сырья»¹. В связи с этим важное значение имеют моделирование и оптимизация технологических и рабочих параметров процесса получения этилена из природного газа, внедрение в производство созданной экологически безопасной, энерго-и ресурсоемкой технологии.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Указом Президента Республики Узбекистан УП-3246 от 29 августа 2017 года «О мерах по совершенствованию экспортно-импортной деятельности организаций

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

химической промышленности», Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-3479 от 17 января 2018, «О мерах по обеспечению устойчивого обеспечения экономики востребованной продукцией и сырьем», Указом Президента Республики Узбекистан УП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию химической отрасли и повышению ее инвестиционной привлекательности» и Указом Президента Республики Узбекистан УП-4805 от 12 августа 2020 года «О мерах по повышению качества непрерывного образования и научной эффективности по химии и биологии» а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики IV «Теоретические основы химии, химической технологии и нанотехнологий».

Степень изученности проблемы. Целевые научные исследования по производству C_2 -углеводородов каталитической оксиконденсацией метана, повышение эффективности катализаторов, перспективы производства этилена, организация производства этилена периодически проводились в школах ученых, таких как Миначев Х.М., Крылов О.В., Дедов А.Г., Меньшиков В.А., Синев М.Ю., Усачев Н.Я., Галанов С.И., Курина Л.Н., Сидиров О.И., Смирнов М.Ю., Махлин В.А., Джонг Й.Л., Миначев Х.М., Дорогочинский А.З., Гюснет М, Олах Г.А., Бондаренко Т.Н., Капустин М.А., Локтев А.С., Туробжонов С.М. и Файзуллаев Н.И.

Однако, несмотря на многочисленные исследования каталитического процесса оксиконденсации метана на сегодняшний день, не было разработано катализатора, который имел бы высокую производительность и селективность, высокую стабильность, стабильный, надежный, недорогой и активный, снижающий коксование. Кроме того, ведется ряд научных работ в области комплексного изучения факторов, влияющих на скорость реакции, детального освещения механизма и кинетики промежуточных продуктов и их внедрения в промышленность, создания технологий производства.

Не смотря на огромную проделанную работу множества исследований по каталитическим процессам оксиконденсации метана, не было разработано катализатора, который имел бы высокую производительность и селективность, высокую стабильность; стабильный, надежный, недорогой и активный, снижающий коксование. Однако всестороннее изучение факторов, влияющих на скорость реакции, детальное освещение механизма и кинетики образования промежуточных продуктов и их внедрение в промышленность по-прежнему актуально.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего учебного учреждения.

Диссертационное исследование выполнено в рамках научно-исследовательского плана Самаркандского государственного университета и

проекта № ОТ-А12-46 «Разработка, исследование и оптимизация процесса катализаторов окисления метана на основе местного сырья» (2017-2018).

